*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 июнь, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 126 (1643)

## АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида БМТнинг чўлга айланишга қарши кураш конвенциясининг бажарилиши бўйича ўтказилаётган минтақалараро конференция 11 июнь куни ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис МДҲ давлатларида фаолият кўрсатаётган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг тақдимоти билан бошланди. Анжуман иштирокчилари ушбу ташкилотларнинг қурғоқчилик, чўлга айланиш ҳамда ернинг деградациясига қарши кураш борасида амалга ошираётган тадбирлари билан танишдилар. Шундан сўнг конференция қатнашчилари ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда чўлларнинг кенгайишига қарши кураш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга кўмак берувчи омиллар ва БМТнинг бу борадаги конвенциясини бажариш бўйича минтақалараро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

***11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси Э. Ҳ. Халилов олиб борди. Кенгаш ишида парламент фракцияларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг аъзолари иштирок этдилар.***

Олий Мажлис Кенгаши Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажоновнинг миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш, унинг харид қувватини ошириш, пул эмиссияси даражасини қисқартириш, банк тизимини ривожлантириш, мижозларга банк хизмати кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан Марказий банк 1996 йилда амалга оширган ишлар ҳақидаги ҳисоботини тинглади.

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадовнинг қўшимча маърузасида, Кенгаш аъзоларининг нутқларида 1996 йилда республика банк ҳамда пул-кредит тизимини такомиллаштириш борасида муайян ютуқларга эришилганлиги таъкидланди. Жумладан, пул қадрсизланишининг ўртача йиллик даражаси икки мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражасининг пасайишига эришилди. Банклараро электрон тўловлар тизими барқарорлашди. Натижада республикамиз миқёсида банклар ўртасидаги ўзаро тўловлар қисқа муддатларда амалга оширилмоқда. Жаҳон андозаларига мос келувчи янги ҳисоб-китоблар режасининг банк тизимида жорий этилиши соҳада ўтган йили эришилган асосий ютуқлардан бири сифатида қайд этилди.

Олий Мажлис Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йилги ҳисоботини маълумот учун қабул қилди ҳамда унинг жорий йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш ва банклараро соғлом рақобатни кучайтириш юзасидан, тўлов тизимини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро қарзларни камайтириш, янги турдаги омонатлар ва рағбатлантиришга қаратилган фоиз тўловлари сиёсатини жорий қилиш орқали аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

1997 йилги давлат бюджетининг ижроси жараёнида Молия вазирлиги билан биргаликда ноинфляцион манбалардан маблағлар жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш тавсия этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига минтақаларда бозор инфраструктурасини ривожлантиришга, тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга, рақобатбардош халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш ва уларнинг миқдори ошишига йўл қўймасликка, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши устидан қатъий назорат ўрнатишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди.

Олий Мажлис Кенгаши бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.





*Жиззахдаги «Оҳак» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. Авваллари бу ерда фақат оҳак ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда қурилиш учун зарур бўлган карбит, ғишт тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилди. Чет эл технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз сифатлилиги билан харидорлар диққат-эътиборини тортмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: оҳак заводининг бош биноси; ғишт цехи оператори Тожибой Салимов.*

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР

Косондаги «Ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамияти ва Иордания Қироллигининг «Залумб» фирмаси ўртасида ҳар икки томон учун манфаатли шартнома тузилди. Унга кўра, хорижлик ҳамкорлар бу ерда ишлаб чиқарилаётган ёғни турли пластмасса ва елим идишларга қадоқлайдиган линия ўрнатиб беришади. Бу маҳсулот харидоргирлигини таъминлайди.

Шу шаҳардаги 1-пахта тозалаш корхонаси жамоаси эса, Чехия Республикасидан пахта ғарамларини ёғингарчиликлардан муҳофазаловчи брезент матолар тўқийдиган ускуналар сотиб олмоқчи. Ушбу тўқувчилик цехи ишга тушгач, Қашқадарё вилоятида мавжуд пахта тозалаш заводларининг ана шу матога бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

УШБУ СОНДА:

2-бет
ДЎСТЛИК КЎПРИГИ



ТУМАНГА «НЕКСИЯ», КОМБАЙНЧИГА...

3-бет
КАТТА КАРВОННИНГ ЮКИ



«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ! «ХАЛҚ СЎЗИ»ДАНМИЗ!»

3-бет
ШАРИФЛИК ШАРАФИ

ЯНА БАҲОР ҚАЙТАРМИКАН?

*• ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ УЧУН*

## ...ЎЗЛАРИДАН БОШЛАШДИ

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини ҳар бир киши онгига чуқур сингдириш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалаларга эътиборни қаратган эди.

Хоразм вилояти прокуратураси ана шу учрашувда ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, соҳа ходимларининг сайёр ўқувларини ташкил этди. Машғулотлар давомида қўшимча тузатишлар билан бойитилган қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, ижрони таъминлаш борасидаги тажрибалар чуқур ўрганилаяпти.

Ҳуқуқий билим ва маданиятни мукаммал эгаллашни қонун ҳимоячилари ўзларидан бошлашгани эътиборга моликдир. Бу хайрли иш бошқа жойларда ҳам йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўқувларнинг навбатдаги босқичида тингловчилар сафини суд, милиция ҳамда назорат идоралари ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳисобига кенгайтириш мўлжалланаяпти.

**С. АБДУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• ДИҚҚАТ: МУАММО!*

## КИМНИНГ ҒИШТИ АРЗОН?

***«Уй қуришнинг нимаси қийин?» деган саволга наманганликлар «ғишт топиш», деб жавоб беради. Ҳолбуки, вилоятда қирққа яқин ғишт заводи бўлиб, улар аҳолининг бу қурилиш материалига бўлган эҳтиёжини қондиришга қодир.***

Ғишт ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан бирининг раҳбари, «Наманган бинокорлик материаллари комбинати» акционерлик жамияти раиси Одилжон Эгамбердиев ғиштга талаб йўқлиги сабабли, корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартирганини айтди. Акционерлик жамиятига қарашли учта заводдан атиги биттасигина йил бошидан буён ғишт чиқармоқда, холос. Бошқа корхоналарда ҳам аҳвол шундай -- уларда ишлаб чиқариш қувватининг ярми, ҳатто чорагидан фойдаланилмоқда.



Аммо ғишт қурилиш корхоналарига ҳам, якка тартибда уй қурувчиларга ҳам жуда зарур. Улар кўп миқдорда ғишт харид қилишга тайёр. Статистика маълумотларига қараганда, вилоятда қурилиш йил сайин авж олмоқда. Аммо биноларни қуриш учун сифатли, мустаҳкам, арзон ғишт керак. Маҳаллий заводлар эса ўз маҳсулотининг сифатига кафолат бера олмайди.

Стандартлаш, метрология ва сертификатлаш Наманган вилоят маркази мутахассисларининг хулосасига қараганда, «Наманган бинокорлик материаллари комбинати» акционерлик жамияти ишлаб чиқарган ғишт меъёрий талабларга мос келмайди. Уни қўлингизга олсангиз, уқаланиб кетади. Бу маҳсулотнинг асосий харидорларидан бири -- «Наманганқурилиш» ҳар йили ғишт сифатини яхшилаш чораларини кўришни илтимос қилиб келаётгани ҳам кўпчиликка маълум.

«Наманган бинокорлик материаллари комбинати» акционерлик жамиятининг раиси бу муаммонинг муҳимлигини эътироф этади. Лекин комбинат эскирган ускуналар билан ишлашга мажбур бўлаётганини, хумдонларнинг хизмат муддати аллақачон тугаганини пеш қилади. Республикадан ташқаридаги ҳамкорларга пул ўтказиш қийин бўлаётганлиги сабабли, ғишт пишириш учун зарур бўлган Қирғизистон кўмирини мунтазам олишнинг иложи бўлмаяпти, Ангрен кўмири эса ғишт пишириш учун ярамас эмиш.

Аммо акционерлик жамияти меҳнаткашлари ишлаб чиқарилаётган ғишт сифатига салбий таъсир қилаётган бир қанча омилларни ўзлари бартараф этиши мумкин. Чунончи, ғишт пишиқлигини ошириш учун унинг таркибига Ангрен гилмоясидан аралаштириш керак. Бундай қўшимча модда саксонинчи йилларнинг ўрталаридан буён келтирилмаяпти. Бу ерда фойдаланилаётган тупроқ сифати ҳам паст. Хомашёни келтириш масаласини акционерлик жамиятининг раҳбарияти ўзи ҳал қилиши мумкин. Муаммони улар учун бошқалар ҳал қилиб бермайди. Технологияга қатъий риоя қилиш корхона ходимларига боғлиқ. Дарвоқе, ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилаётган сабабларни топиш осонроқ, уларни бартараф этиш эса, жўн иш эмас.

Шу боис акционерлик жамиятини бу аҳволдан қандай олиб чиқиш мумкин, деган саволга ҳозирча битта жавоб топилган, холос. У -- янги завод қуриш. Бу ишга кўп пул талаб қилинади. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб, сифатли, чинакам пишиқ ғишт ишлаб чиқарилса, янги завод қуриш учун зарур маблағни ҳам топиш мумкин.

Вилоятдаги бошқа ғишт заводлари ҳам ҳозир шундай қийинчиликка дуч келмоқда. Шу боис тез-тез четдан ғишт келтиришга тўғри келаяпти. Қўқондан, Олмалиқдан, Андижондан ғишт ортган машиналар келиб турибди. Ғишт сифатли бўлгани учун харидорлар транспорт харажатидан қочмаяпти. Бошқа вилоятлардан келтирилаётган ғишт қийматига транспорт харажатлари қўшилган тақдирда ҳам, маҳаллий ғишт заводлари маҳсулотининг нархидан ошмайди. Белбоққа ёлчимаган бўзчига ўхшамаслик учун бу муаммони тезда ҳал этиш керак...

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

### МАМЛАКАТ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Республикамиз «кумуш тола» ижодкорлари пилла топшириш йиллик шартнома режасини бажардилар. Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қишлоқ хўжалиги бўлимидан хабар қилишларича, қабул пунктларига шартномада кўрсатилган 18 минг 945 тонна ўрнига қарийб 20,5 минг тонна қимматли саноат хомашёси етказиб берилди. Бу муваффақиятда Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари пиллакорларининг улуши салмоқли бўлди.

Пилла топшириш давом этмоқда.



### ЎРИМ СУРЪАТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУР



Сурхондарё вилоятида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди. Ангор туманидаги «Занг», Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжаликлари ғаллакорлари маррани эгаллади. Мазкур хўжаликларда ҳосилдорлик 38-40 центнерни ташкил этди. Жарқўрғон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида эса бу кўрсаткич 45 центнерга етди.

Бироқ ғалла ўрими ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Айрим жойларда комбайнларнинг ўртача кунлик иш унуми 4,3 гектарни ташкил этяпти, холос. «Кейс» комбайнлари билан Узун, Бандихон туманларида бир кунда 20 гектар ердаги ғалла ўриб олинаётган бўлса, Шеробод ва Сариосиё туманларида бу кўрсаткич 10 гектардан ошмаётир. Бу эса ғалла ўрими суръатининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

***Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғидаги Болалар ва ўсмирлар маркази қошида ёшларга хорижий тилларни ўргатиш курслари очилди.***

### ҚИШЛОҚДА ТИЛ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

Инглиз, немис ва француз тилларини мукаммал ўрганишга жазм этган 60 нафар юқори синф ўқувчиси дарслардан сўнг ҳар ҳафтада тўрт кун сабоқ олмоқда. Яқинда АҚШ, Германия ва Голландиядан келган мутахассислар бу ерда бўлиб, марказ фаолиятига ижобий баҳо берди.

### ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР КЎРИГИ

Фарғона шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган ёш ҳунармандлар кўригида барча мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Шу куни шаҳар маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган томошабинлар ва ҳакамлар, айниқса, «Ёрмозор» маҳалласидаги 30-ўрта мактаб ўқувчилари тайёрлаган «Ўзбек хонадони андозаси»га юқори баҳо беришди. Улар ўқитувчи Мақсудахон Саидаҳмедова раҳбарлигида сўзана, рўжа ва кўрпаларни қойилмақом қилиб тикиб, «кўчма уй»ни безашган эди.



### ТИББИЁТ МЎЪЖИЗАСИ

Андижон тиббиёт институтининг бир гуруҳ олимлари 400 нафардан зиёд куйган беморларни пластик жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволашди.

Шуниси диққатга сазоворки, илгари операция жараёнида кўпинча беморнинг соғлом терисидан фойдаланилар эди. Янги усул ёрдамида эса терининг ўзи ўстирилмоқда.

• *СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?*

# КАТТА КАРВОННИНГ ЮКИ

## Ёки пойтахт қиёфаси хусусида айрим мулоҳазалар

***Ҳар бир миллат, ҳар бир давлат ўз пойтахти билан, унинг жамоли билан фахрланади. Биз ўзбеклар эса Тошкентдек шаҳри азим ва гўзал пойтахтимиз борлигидан ифтихор қиламиз.***

Шоҳидмизки, мустақиллик йилларида истиқлол шарофати билан пойтахтимизнинг жамоли янада очилиб бормоқда, янги-янги уй-жойлар, жамоат бинолари ва спорт иншоотларининг қурилиш кўлами ҳам ҳар қачонгидан кенгайиб ва кучайиб кетди. Масалан, ўтган йили қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилган Темурийлар тарихи давлат музейини шаҳримизда қад кўтарган том маънодаги меъморий обида, санъат асари дейиш мумкин. Ёки бўлмаса, шу кеча-кундузда шаҳримизнинг айни марказида -- Мовароуннаҳр кўчасида қурилаётган Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамасининг янги салобатли биноси пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшиши сезилиб турибди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шундай ютуқлар билан бирга айрим нуқсонлар ҳам борки, буларнинг юз беришига мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг бошлиқлари сабабчи, деб ўйлаймиз. Мисоллар келтирамиз.

Яқинда пойтахтимизнинг Мустафо Камол Отатурк кўчаси билан Сайилгоҳ кўчаси туташган жойда, «Зарафшон» ресторанининг қаршисида уч қаватли бино қад кўтарди, тепасида пастак ва япасқи минорачаси ҳам бор. Бино қурилиши тугаб, атрофи очилиб, ҳавозалар олиб ташлангач, унга кўзи тушган кишилар ўзи бу бино нима мақсадда, қандай эҳтиёжни қондириш учун қурилганини билолмай, таажжубланиб қолдилар.

Бу ҳақда бир неча фуқародан ўз фикрини сўраган эдик, бири: «Бу бино ҳаммом бўлса керак», деди, иккинчиси эса «Мотамсаро тусига қараганда, ибодатхона бўлса керак», деди. Учинчиси «Мен бунга ўхшаш бинони Ереваннинг театр майдонида кўрганман», деса, тўртинчиси эса: «Қурилиш услуби ва тарҳи Италиянинг Венеция шаҳридаги савдо растасини эслатади», деб жавоб берди. Ҳеч ким бу бинони Ўзбекистон пойтахтига муносиб, деб топмади. Чиндан ҳам, мазкур бинонинг пастак, япасқи тўртбурчакли минорачасидаги соатнинг ўрнига қўнғироқ ўрнатилса, черковнинг ўзи бўлади-қўяди. Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг энг гўзал ва сўлим кўчаларидан бири -- Сайилгоҳда бундай мотамсаро бинонинг ўрин олиши таажжубланарлидир. Бизнингча, пойтахтимизда қад кўтарадиган ҳар бир янги жамоат биноси ўша жойда илгаритдан мавжуд бўлган биноларнинг кўринишига уйғун бўлиши лозим. Акс ҳолда, услубий яхлитликка путур етади.

Маълумки, пойтахтимизда қўшма корхоналар, чет эл фирмалари ва компаниялари томонидан ҳам катта қурилишлар олиб борилмоқда. Уларни лойиҳалашда, тарҳларини тузишда бу бинолар Ўзбекистон пойтахти -- Тошкентда қад кўтаражагини ҳис этиш, назарда тутиш шарт. Бўлмаса, пойтахтимизнинг миллий қиёфаси бора-бора сезилмай кетиши турган гап.

Жамоат бинолари қанчалик замонавий, жаҳон стандартларига тўғри келадиган тарзда қурилмасин, барибир Ўзбекистон пойтахтининг ўзига хос қиёфасига уйғун бўлиши, узукка кўз қўйгандек мос бўлиб тушиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Гап инсон манфаатларига бориб тақалган экан, пиёда юрувчи йўловчилар учун қулайликларни ҳам унутиб бўлмайди. Бу борада бир неча мисоллар келтирамиз. Пойтахтимизнинг «Правда Востока» кўчаси билан Мустафо Камол Отатурк кўчаси кесишган жойда, яъни Ўзбекистон Касаба уюшмалари Иттифоқи жойлашган бинонинг шарқий қанотида бир бостирма бор эди. Бу ердан йўловчилар бемалол ўтишар, шиддатли ва тезўтар жала қуйган кезларда ёмғирдан сақланиб туришар эди. Яқинда шу бостирма қандайдир дўкон учун тўсиб, ўраб олиниб, йўловчилар бу ердан ўтишдан маҳрум бўлишди, катта кўчанинг пиёдалар ўтиш йўли тўрт метрча торайтириб қўйилди.

Пойтахтимиздаги кўпгина ерости йўлларини тижорат дўконлари босиб кетаётганлиги сабабли йўловчилар остки йўлдан эмас, кўчани кесиб ўтишга мажбур бўлмоқдалар. Метро бекатлари ҳам тобора тижорат бозорига айланиб бормоқда, йўловчилар метрога тушиш ва ундан шаҳарга чиқиб кетишда тирбанд бўлиб қолиб, қийналмоқдалар.

Умуман, очиқ жойларда савдо-сотиқ қилинишига қарши эмасмиз, бунинг тижоратчи учун ҳам, харидор учун ҳам қулай томонлари бор. Бироқ дуч келган жойни бозорчага айлантириб юбориб, йўловчиларга ноқулайлик туғдириш керак эмас, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, пойтахтимиздаги деҳқон бозорларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун кириб чиқиш амри маҳол бўлиб қолди. Бу ерларда деҳқонларга қараганда аралаш-қуралаш ёймачилар, чайқовчилар ўн чандон кўп. Улар йўлларни тўсиб қўйгани туфайли беш дақиқалик масофани ярим соатда аранг босиб ўтасиз. Масалан, Эски Жўва деҳқон бозорига Кўкалдош мадрасаси томонидан бормоқчи бўлсангиз, деҳқон ёнига боргунча вақтингиз ҳам, табингиз ҳам тамом бўлади. Ўзи, бу деҳқон бозорими ёки чайқовчилар маконими, ажратолмай қоласиз.

Юқорида тилга олинганлардан хулоса чиқариб айтамизки, мазкур масалаларга масъул ва мутасадди бошлиқлар шу жойларга бир пиёда қадам ранжида қилсалар, мавжуд аҳволни ўз кўзлари билан кўрсалар...

Катта карвон йўлни қандай белгиласа, кичик карвон ҳам шунга қараб мўлжал олади. Пойтахтимизнинг миллий қиёфаси қандай шаклланса, вилоят ва туман марказлари ҳам шунга қараб бичим олади.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.**







*Асака туманидаги «Соҳибкор» ширкатлар уюшмаси мевазор ва узумзорлари қир-адирларда жойлашган. Денгиз сатҳидан анчагина юқорида жойлашган 450 гектар боғ-роғларга сув кучли насослар ёрдамида чиқарилади. Уюшма боғбонлари бу йил эл дастурхонига 800 тонна узум, 500 тонна мева маҳсулотлари армуғон этишга жазм қилганлар.*

*СУРАТЛАРДА: боғ кўриниши; Гавҳарой Комилова ўз меҳнати маҳсулидан ҳурсанд; боғбонлар — Давлатой Холматова ва Улуғбек Ёқубовлар терилган мевалар сифатини кўздан кечиришмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

***Тошкентда Марказий Осиёда пульмонологик хизматни янада яхшилаш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.***

# ПУЛЬМОНОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Уни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий Осиё Пульмонологлар уюшмаси, республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти ташкил этди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва республикамизнинг етакчи мутахассислари қатнашди.

Кенгаш иштирокчилари ўпка касалликлари тарқалишини аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, болалар ва ўсмирларга пульмонологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини ўртоқлашди.

**(ЎзА).**

• *СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ*

# «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ! «ХАЛҚ СЎЗИ»ДАНМИЗ!»



***XXI аср остонасидамиз. Инсоният ўз тафаккурининг самовот қадар чексизлигини исботлаш билан овора. Соат сайин бир янгилик, шов-шувли воқеа-ҳодисалар содир бўлаяпти. Ҳатто одам боласи уйқуга кетгач, тушида кўрган барча ҳангома, саргузаштларни тасмага ёзиб оладиган аппарат ўйлаб топилгани ҳам унчалик янгилик бўлмай қолди. Эрталаб кечаги кўрган тушингизни видеомагнитафон орқали «ойнаи жаҳон»да кўриб турибсиз. Зеро, ҳар қандай янгилик эскиради. Даврлар, қарашлар, ғоялар ҳам ўзгариб, тобора янгиланиб боради. Бусиз ўсиш, тараққиёт бўлмайди. Онгни «чархлаб» бормасак, атрофни зийрак нигоҳ билан англамасак, ёнида соя бўла туриб, офтоб қайтиб, жазирама тугагунича жойидан қимирламай тураверадиган жониворга ўхшаб қоламиз.***

***Маънавият ҳақида кўп гапирилаяпти, ёзилмоқда, чиқишлар қилинмоқда. Сабаб -- маънавият улғайиш сари парвозга шайланган Ватаннинг бир қанотидир. Ҳа, шундай. Ҳеч кўрганмисиз, қушнинг бир қаноти билан учганини?***

***Бу борада, айниқса, матбуот нашрлари зиммасига катта масъулият юкланган. Бироқ юртимизнинг кундалик сиёсий-ижтимоий ва маърифий ҳаёти акс этаётган газеталаримиз вилоятларга вақтида етиб боряптими? Мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлардан одамлар ўз вақтида бохабар бўлишаяптими? Умуман, улар газета ўқишаяптими? Шу мақсадда биз жонли мулоқот тарзида айрим вилоят ва туманлардаги масъул раҳбарларга қўнғироқ қилдик. Дастлабки мулоқотимиз 21 май куни соат 11.30 да бўлган эди.***

***Телефонимиз: 36-29-89.***

**Бўри ТОШБОЕВ, Узун тумани ҳокимининг саноат, қурилиш, транспорт ва ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари:**

-- Гапнинг очиғи, икки кундан бери газета ўқиганим йўқ. Амир Темур жамоа хўжалигида эдим. Ҳозир котибага айтаман, газеталарни келтиради. Бир минут... (Икки минут ўтди. Унинг овози...) Ҳа, мана, олиб келишди. «Халқ сўзи»нинг 14 май сони бор экан. Охирги марта олиб келингани шу.

**-- Бугун число 21 майку?**

-- Биласиз, Тошкентдан узоқдамиз. Кечикишнинг сабаби бор-да.

**-- Кундалик нашрлар поездда келтириладими?**

-- Йўқ, Сариосиё аэропортига келтирилади.

Сариосиё -- Узуннинг биқинида: чумоли бир қимирласа, етиб келиб қўяди. Унда, сабаб нимада? Орадан роппа роса 7 кун вақт ўтибди. Шундан бери мамлакатимизда қанча-қанча воқеа ҳодисалар бўлмади, Республикамиз Президенти фармонлари эълон қилинмади, дейсиз! Кимсан, туманнинг масъул раҳбарлари газетани вақтида ўқишмагач, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

### 6 июнь. Соат 13.10

**Алоқада Деҳқонобод тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Рустам РАҲМОНҚУЛОВ:**

-- Газетанинг 5 июнь, пайшанба сонини кўздан кечираяпман. «Давлат мулкини ўмариш психологияси» сарлавҳали мақола жуда яхши ёзилган. Фикрлашга ундайди. «Халқ сўзи» бизга ўз вақтида келади. Энди бир кун кечикиб келиши масаласига келсак, вилоят марказидан узоқдамиз. Туманга келгунича кечикади-да.

**-- Газетада қайси мавзуларга эътибор қаратишимизни таклиф этасиз?**

-- Маънавий соҳага кенг ўрин берилса, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китоби чиқди -- шу мавзуда чиқишлар қилинса, ҳадислардан намуналар бериб борилса, яхши бўларди. Дарвоқе, рекламалар кўп жойни олаяпти. Шу масалани ҳам ўйлаб кўрсангизлар...

### Соат 13.50

**Зокир ЖУМАЕВ, Ғузор тумани ҳокимлигининг бўлим мудири:**

-- Газетани ўз вақтида оламиз.

**-- Бугунги сонини ўқиб улгурдингизми?**

-- Йўқ. Кечагиси бор экан. Энди кўздан кечираман.

**-- Демак, бугунги янгиликлар ҳақида фикр айтолмайсиз.**

-- ...

**-- Газетамиз маъқулми, Сизга?**

-- Президентимизнинг расмий ташрифи мўлжалланган чет мамлакатлар ҳақида олдиндан қизиқарли материаллар чоп этилаяпти. Бу бизга ўша давлат тарихи ва маданияти ҳақида етарли тасаввур бераётир. Умуман олганда, газетангиз янгиликларидан воқиф бўлиб бораяпмиз.

### Соат 13.55

**Сайлов ШАФОАТОВ, Ғузор тумани ҳокимлигининг бош мутахассиси:**

-- Менинг бир таклифим бор: ҳуқуқ-тартибот масалалари, қишлоқ фуқаролари йиғини фаолияти ҳақида кўпроқ мақолалар бериш керак. Уларнинг ҳудудий ташкилотлар билан ҳамкорлиги бошқа вилоятларда қай тарзда йўлга қўйилган -- шулар тўғрисида билишни истардик.

**-- Раҳмат сизга. Фикрларингизни инобатга оламиз.**

### Соат 14.00

**Марзия ИСМОИЛОВА, Қумқўрғон тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари:**

-- Газеталарнинг жойларга кечикиб боришининг сабаблари бор. Шу мақсад учун ажратилган транспортлар кунига 250 километр масофага бориб келгунича 40 литр бензин сарфлайди. Почта хизмати учун эса туманимизга йилнинг бир чорагида 650 литр ёнилғи ажратилади. Бу бор-йўғи 15 кунга етиши мумкин...

**-- Демак, қолган кунлари... туман марказидан олисда яшаётган кишилар умуман газета ўқишмас экан-да?**

-- Унчалик эмас...

Туманда 90 кун мобайнида мунтазам тарқатилиши шарт бўлган нашрлар жамланиб 12 кунда ўз эгаларига етказилаётган экан, бундан ортиқ ҳангома бўлиши мумкинми?

### Соат 14.10

**Соат МЕНГНОРОВ, Қумқўрғон тумани ҳокимлигининг котибият бошлиғи:**

-- Ҳозир умумий бўлимдан сўрайман. Кеча бизга «Халқ сўзи» келмади, шекилли..

**-- Демак кечаги сонини ҳам...**

Вақт ўтаяпти. Умумий бўлимдан жавоб келиши анча кийин кечди.

-- Алло! Бўлим мудири Исмоил Ойтемиров газеталарни қабул қилиб олган. Ҳали тарқатилмабди. Энди айтамиз. Олиб чиқади...

### Соат 14.20

**Навоий вилоятига қўнғироқ қилдик. Алоқачи қиз билан русча гаплашдик. Етти минут ўтди. Вилоят ҳокими ёрдамчиси Тўлқин ТЕШАЕВ:**

-- Куни кеча Вазирлар Маҳкамасидан қўнғироқ қилиб, муҳим бир қарор ҳақида сўрашди. Афсус... газета етиб келмаганди.

Мулоқотимиз шундай кечди. Кўриниб турибдики оддий одамлар тугул раҳбарларимиз ҳам замон нафаси уфуриб турган матбуот нашрларидан кечикиб хабардор бўлишаяпти. Бунга мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари нима деб жавоб беришаркин?

**Қўчқор НОРҚОБИЛ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЕЛЬТАПЛАН ДОРИ СЕПАДИ

***Қонликўл туманидаги «Олтинкўл» деҳқон-фермер хўжалиги шолипоялари узра қанотларини ғоз кергканича парвоз қилиб юрган дельтаплан тез-тез учрайдиган бўлиб қолди.***

Бу ажабтовур учоқни бошқариб юрганлар спортчи ёки саргузаштталаб сайёҳлар эмас, балки экинларни турли зараркунандалардан халос қилишга ўз улушларини қўшаётган мутахассислардир. Бу ерда мамлакатимизда илк марта экинларни ҳар хил қурт-қумурсқаларга қарши дорилашни дельтапланлар воситасида амалга ошириш усули синаб кўрилаётир.

Кичик ҳажмли двигателга эга бўлган битта дельтаплан ҳар парвоз қилганида 75 килограмм дорини ўзи билан олиб, уни экин майдонларига 2 метр баландликдан пуркаб сепишга ва бир парвознинг ўзида 35 -- 37 гектар майдонга ишлов беришга қодир. У кунига 500 гектаргача майдонга дори пуркай олади.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# БАНКНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

«Асакабанк»нинг Тошкент вилояти бўлими пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган янги бинода иш бошлади. Бу ерда автомобиль харид қилиш, уни кредитга олиш истагида бўлган аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Харидор шу ердаги автосалондан хоҳлаган русумдаги, истаган рангдаги автомобилни танлагач, банк ходимлари керакли ҳужжатларни қисқа фурсатда расмийлаштириб беради.

• *ЧОРВАЧИЛИК*

# ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е

## Буни яхши англаган чорвадорларимиз баҳордаёқ ем-хашак жамғариш ишларини бошлаб юборишганди

Эндиликда чорвани қишу ёз тўйимли озуқа билан таъминлаш мақсадида барча ишларни жадаллаштиришга киришилди.

Шуни айтиш керакки, республикамизнинг айрим вилоятларида сўнгги йилларда озуқа етиштиришга эътибор бирмунча сусайтириб юборилди. Бу эса қорамол сони муайян даражада камайишига, маҳсулдорлик пасайишига таъсир кўрсатди. Жумладан, ўтган йили республикамизда 440 минг гектар ер озуқа учун ажратилган эди. Улардан жами икки миллион 179 минг тонна ем-хашак жамғарилди. Маълум бўлишича, унинг ҳам ярмидан кўпи қуруқ сомондан иборат бўлган.



Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йил чорва учун 500 минг гектар озуқа майдони ажратилган. Бу ўтган йилга нисбатан 60 минг гектар кўпдир. Ана шу майдон, шунингдек, тоғ, қир-адирлардан жами тўрт миллион тоннадан зиёд (омухта емдан ташқари) ем-хашак жамғариш мўлжалланмоқда. Бошқача айтганда, ҳар бош қорамолга 39,2 центнер озуқа бирлиги тўпланади. Бу кўрсаткич 1996 йилга қараганда икки баравар ортиқдир.

Албатта, шунча миқдордаги озуқани жамғариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу муҳим тадбир ишни пухта ташкил этишни талаб қилади. Афсуски, ҳамма жойда ҳам ем-хашак тайёрлаш кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Чунончи, Наманган, Сурхондарё, Андижон вилоятларида биринчи беда ўрими аллақачон якунланиб, гектаридан ўртача 43-54 центнердан ҳосил олинганни ҳолда, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида биринчи беда ўрими ҳалигача тугалланган эмас. Оралиқ экинлар экишда ҳам сусткашликка йўл қўйилаётир.

Яқинда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган сим орқали мулоқотда озуқа сифатида табиий ўтлардан пичан тайёрлашни жадаллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бу йил баҳор нисбатан серёғин келиб, тоғ этаклари, қир-ёнбағирлар, дарё соҳиллари турли ўт-ўланларга мўл бўлди.

Тўғри, фақатгина қуруқ хашак билан чорва маҳсулдорлигини ошириб бўлмайди. Бунинг учун асосий озуқа бирлиги бўлган ем тайёрлашни кўпайтириш лозим. Республикада мавжуд чорванинг шундай озуқага бўлган талабини тўлиқ қондириш учун эса бир миллион 750 минг тоннадан кўпроқ омухта ем тайёрлаш зарур. Шундагина чорва тўқ, маҳсулдорлик юқори бўлади.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ.**

Ихтисослашган акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Тошкент филиалига доимий ишлаш учун малакали ҳуқуқшунос керак.

Маълумот учун телефонлар:
41-10-91, 41-54-72.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ
АПЗОН



ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди;
ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.
5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

• АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ШАРИФЛИК ШАРАФИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, келаси йили мамлакатимизда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан аллома абадий қўним топган Хартанг қишлоғидаги зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, яхлит муҳташам меъморий мажмуа бунёд этилади. Бу мажмуа бутун Ислом оламида ҳадис илмининг йирик марказига айланади.**

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий ҳижрий 194, милодий 810 йили Бухорода дунёга келди. У ёшлигидаёқ отадан етим қолиб, онаси тарбиясида вояга етди. Ўн ёшидаёқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ҳамда ёд олиш билан шуғулланди. Ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳаж сафарига борди. Ҳаж маросимлари якунлангач, онаси ва акасидан рухсат сўраб, ҳадис тўплаш мақсадида Маккада қолди. Ўн саккиз ёшида саҳобалар ва уларнинг ишларини давом эттирувчилар ривоят қилган ҳадисларни тўплаб, «Тарих» номли китоб ёзди. Сўнгра янги ҳадислар тўплаш мақсадида бир қанча мамлакатларда, жумладан, Сурия, Миср, Басра, Куфа, Ҳижоз каби ўлкаларда бўлиб, кўплаб таниқли муҳаддислар билан танишди, улардан эшитган ҳадисларни ўз китоби «Ал-Жоме Ас-Саҳийҳ» (Ишончли тўплам)га киритди.

Айни чоғда «Саҳиҳи Бухорий»дан ташқари тарих ва бошқа илмларга доир йигирмага яқин асар ёзди. Булар орасида «Ал-Адаб ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) китоби алоҳида ўрин тутади. Бу китобга ахлоқ ва одоб борасидаги энг пурҳикмат, энг ишончли ҳадислар киритилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам мўмину мусулмонларни иймон-эътиқодли, одамларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлишга даъват этмоқда.

Бухорийшунос уламою киромларнинг далолат беришларича, улуғ имом табиатан ўта мулойимлиги, тақводорлиги, жувонмардлиги, айниқса, кувваи ҳофизаси кенглиги билан замондошларининг меҳрини қозонган. Бир бор ўқилган китоб, бир бор эшитилган ҳадис ул зотнинг хотирасида бир умр сақланиб қолган. Аллома юзлаб ровийлардан ҳадис тинглаган. Жами 600 мингта ҳадис тўплаб, шулардан юз мингтаси саҳиҳ ва икки юз мингтаси ғайри саҳиҳ эканини аниқлаган, уларни ёд олган. Шунинг учун ҳам у бутун мусулмон оламида «Ҳадис илмининг султони» сифатида танилди. Ўша даврнинг таниқли муҳаддисларидан бири Амир ибн Ҳаллос ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмас, деганида ватандошимизга берилган юксак баҳо зоҳирдир.

Буюк ватандошимиз Бухорога қайтиб, бирмунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берди. Сўнгра ҳижрий 256, милодий 870 йилда яна йўлга отланди. Бу унинг сўнгги сафари бўлди. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига яқинлашганда, аъзойи баданида ҳорғинлик сезди. Шу сабабли бу ердаги қариндошларидан бирининг уйига тушди. Бетоблик кучайиб, Рамазон ойининг сўнгги кунида оламдан кўз юмди. Яратган Зот жаноб Пайғамбаримизнинг муборак ҳадиси шарифларини тўплаш мақсадида умрининг кўп йилларини сафарда ўтказган бандасига шу қишлоқда вафот этишни раво кўрди. Эртаси Ҳайит куни жаноза ўқилиб, имомни шу ердаги қабристонда тупроққа топширдилар.

Вақт ўтиши билан ҳадис илмининг пешвоси абадий қўним топган манзил бутун Туркистон халқларининг Хўжа Исмоил масжиди номи билан машҳур зиёратгоҳига айланди. Афсуски, мустабид шўро тузуми даврида бу қутлуғ даргоҳнинг атрофи шох-шаббалар билан ўралиб, кераксиз темир-терсаклар, қишлоқ хўжалик машиналари учун ёнилғи-мойлаш ашёлари, ўғит сақланадиган омборга айлантирилди. Унинг асарлари, ҳатто номини тилга олганлар аёвсиз таъқиб қилинди. Минг шукурки, истиқлол туфайли ал-Бухорийнинг қутлуғ номи қайта тикланди. Унинг «Ас-Саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-Муфрад» каби бутун Ислом оламида аллома тириклигидаёқ мўътабар манба сифатида қадр топган асарлари ўзбек тилида чоп этилиб, халқимизнинг маънавий меросига айланди. Муборак зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, эшиклари бутун дунё аҳлига кенг очиб қўйилди. Юбилей муносабати билан бу ишлар бекиёс кўлам касб этмоқда.

Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик асари («Ал-Жоме Ас-Саҳийҳ»), бир жилдлик «Ал-Адаб ал-Муфрад» китоби ва бошқа асарларини мутолаа қилар эканмиз, улуғ алломанинг авлодларга нақадар бекиёс маънавий-маърифий мерос қолдирганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларда сарвари олам — Муҳаммад алайҳиссаломнинг инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига доир каломлари жамланган.

Инсоннинг яшашдан мақсади, умрнинг маъною моҳияти ифодаланган айрим ҳадисларни келтирамиз. Модомики, одам дунёга келар экан, дейилади уларда, аввало, Худо бир, Расули барҳақ эканини дилда жо айлаб, ҳалол яшаши ва ҳалол меҳнат қилиши даркор. Зеро: «Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар». Баъдаз инсон ота-онаси, аҳли аёли, қариндош-уруғи, қолаверса, бутун қавмига меҳр-оқибатли бўлмоғи лозим. Зотан, «Кимки ризқи улуғ бўлмоғини ёки номи узоқ вақт сақланмоғини истаса, қариндош-уруғларига яхшилик (ҳайр-эҳсон) қилиб турсин», яна бир муҳим бурч -- у ҳар қандай шароитда ҳам ўзидан кейин хайрли из қолдиришга ҳаракат қилсин. Чунки Расулуллоҳ: «Бироргангиз экиш учун қўлингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қиёмат қойим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта, экиб қўйинг», -- деганлар.

Маълумки, савдо-сотиқ, тижорат жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб келган. Тужжорларнинг саъй-ҳаракатлари билан юрт обод, эл фаровон бўлган. Аммо тужжорликнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Бунда асосий мезон -- ҳалол савдо-сотиқ қилиш, харидорнинг ҳақига хиёнат қилмаслик. Расулуллоҳ бу ҳақда мана бундай деганлар: «Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлини тўсмангизлар, биродарларингизнинг (пишиб турган) савдосини бузмангизлар, атайлаб нарх-навони оширмангизлар, шаҳарликлар қишлоқдан келганларнинг молини арзонгаровга олиб, қимматга сотмасинлар... Молни тўлиқ ўлчаб берингизлар, молнинг баҳосини сунъий оширувчи одам судхўр, хоин ва алдамчи бўлиб, топгани ҳалол эрмас». Аёнки, бу ўгитлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Буюк бобокалонимиз Оллоҳнинг иродаси билан унинг Расули Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини келгуси авлодларга етказди. Шу боис унинг ўзи ҳам шарифликка муяссар бўлди. Ватандошимиз бизнинг дориломон замонимиздагина юртида ўзининг ҳақиқий қадрини топди. Шу маънода, унинг таваллуд тўйининг кенг миқёсда нишонланиши ғоят катта рамзий аҳамиятга эгадир. Зеро, беназир илм соҳиби Имом ал-Бухорий ҳар қанча меҳр ва эъзозга муносибдир.

**Ёқуб ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

• ФАРЗ

# ЯНА БАҲОР ҚАЙТАРМИКАН?

**«Билиб қўйки, сени Ватан кутади» деган даъваткор мисралардан ташкил топган шеър кўзимизнинг қорачиғидек азиз болажонларга аталган. Уни ўзбекнинг отахон шоири, устоз Ғафур Ғулом ёзганларини яхши биламиз.**

Бир куни Тошкентдаги «Тахтапул» маҳалласида жойлашган Маннон Уйғур номли мактабда хушхабар тарқалди: «Эртага Ғафур Ғулом келармиш».

Ўшанда мен тўртинчи синфда ўқир эдим. Янглишмасам, 1946 йил эди. Ўқитувчимиз шошиб қолди. Мени дарҳол чақиртириб сўради:

-- Ғафур Ғуломнинг қайси шеърини ёд биласан?

-- «Билиб қўйки, сени Ватан кутади»ни!

-- Ҳа, бўлади! Фақат баланд товуш билан ўқи. Овозинг ичингда қолиб кетмасин.

Эртасига соат ўн иккиларда Ғафур Ғулом мактабимизга кириб келди. Бошида Қўқон дўппи, жигарранг костюм кийган, бўйдоргина (болаликда кўзимга шундай кўринган эди) одам биз -- эшик оғзида турган, у кишини кутишга шайланган болалар билан катталардек қўл бериб кўришди. Биз эса ҳаяжонга тушиб, у ёқдан-бу ёққа югургимиз келар, зора бизга бирор иш буюрса, деб, маҳтал кутардик.

Иккинчи қаватга, залга йиғилдик. Адабиёт ўқитувчимиз Шомаҳмуд ака учрашувни очди. Директоримиз сўзлади. Кейин ўқувчилар шеърлар ўқий бошлашди.

Навбат менга келди. Қандай шеър ўқишимни ҳам билмай ўзимни йўқотиб қўйдим. Бир маҳал ўқитувчимизнинг товушидан сергак тортдим. Овозимни баралла қўйиб ўқий кетдим. Хайрият, адашиб, тўхтаб қолмадим. Аммо шеърни ўқиб тугатишим билан шоир ўрнидан турдида:

-- Шеърни шундай бақириб ўқийсанми, бола! Ўпканг узилиб қолади-ку! -- деди чапак чалиб. Кейин адабиёт ҳақида гапирди. «Шеърларимни ёд билар экансизлар. Мен келмасам ҳам бўларкан. Сўзим доим сиз билан экан» деб ҳазиллашиб ҳам қўйди. Кейин ушбу қутлуғ даврадан қуруқ кетмай деб, шеър ўқиди. Учрашув савол-жавобга айланиб кетди. Хайрлашаётганда Юсуфжон Ҳамдамга:

-- Манави боланинг номини ҳам мақолангга қўшиб қўй. Шунча жон куйдирди, -- деди.

Бошим осмонга етди. Атрофдаги болалар ҳам ҳавас билан менга тикилиб, шеър ёд олмаганларига ўкиниб қолдилар. Синфдошим Шавкат Собиров:

-- Пўлатнинг ўзи шеър машқ қилади! -- деб қолди.

Буни эшитган Ғафур Ғулом яна Юсуфжон Ҳамдамга юзланди:

-- Менга қара, бу болага «Ленин учқунини»нинг адресини тушунтир. Сенга шеър олиб бориб кўрсатсин.

Ўша учрашув сабаб бўлиб шеър ўқишга, ёдлашга астойдил киришдим...

Кейинчалик, аниқроғи, 1964 йил октябрь ойида устоз Ғафур Ғуломни Ўзбекистон кунлари муносабати билан Москвада бўладиган тантаналарда кузатиб юриш шарафига муяссар бўлганман.

Тошкентдан жўнашдан олдин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ундан сўрашибди:

-- Сизни ким кузатиб борсин?

Шунда Ғафур Ғулом:

— Жуманиёз катта киши бўлиб қолди. Азиз Абдураззоқнинг ўзига кузатувчи керак. Хайриддин Салоҳ Янгийўлга борса ҳам адашади. Ҳусниддин Шарифга пиво қидириб мен адашаман, Эркин Воҳид янги уйланган, Сайёр бора қолсин, ўрисчаси бийрон, асқотиб қолар», — дебди.

«Украина» меҳмонхонасига жойлашдик. Асосий ишим Муҳаррам ая билан гаплашиш учун телефон буюртмаси бериш бўлди. Бир кеча-кундузда уч-тўрт марта Тошкентга қўнғироқ. Аслида муҳим гап ҳам йўқ. Ғафур Ғуломнинг ниҳоятда оилапарвар эканлигини ўшанда билганман.

Тантаналардан уч кун илгари борганлигимиз учун у киши зерикиб қолди. Мен тахминан уч-уч ярим қоғозлик, Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, «Пушкин тилида» бир нима тайёрлашим керак бўлди. Тоза чираниб, нималарнидир ёздим. Бир кун овора бўлиб машинкада кўчиртирдим.

Ғафур ака кўнглим учун қоғозни қўлларига олиб, кўз югуртирган бўлди-да, дарров ўзимга қайтариб берди.

-- Ўзингда турсин, мен йўқотиб қўймай!

Нутқни ички ён чўнтакка солиб, ҳар куни тимискилаб, жойида турганига амин бўлиб сақлаб юрдим.

Ниҳоят, тантанага кетдик.

-- Нутқингизни берайми? -- деб сўрадим.

-- Минбарга чиқишимда узатиб юборасан!

Бир маҳал Ғафур акага сўз берилди. У киши минбарга ўтиб бораётганда, қўлимдан ўша қоғозни олиб ўтиб кетди-ю, дарҳол ён чўнтагига солиб қўйди. Ёниб-ёниб сўзлади. Бўлди қарсак, ҳаммани ҳаяжон чулғади. Қараб турибман. Зора чўнтагидаги қоғозга бир қараб қўйсайди, деган илинждаман. Йўқ, минбардан тушаётиб чўнтагини кавлаб, ўша қоғозни ўзимга тутқазиб ўтиб кетди. Ҳаётимда шунақа содда лақиллаш ҳам бўлганидан, кейинчалик ҳар гал Ғафур акани кўрганда ё уйларига бориб қолсам, изза бўлардим.

Лекин нима бўлганда ҳам бир ҳафта давомида устоз билан доимий мулоқотда юриш ҳаётимдаги энг ҳаяжонли кунларим эди.

Бир куни у шошиб нашриётга кириб келди. Табиийки, ҳаммамиз йўлакка чиқдик. Кўришдик. Шунда менга:

-- Қара-чи, бухгалтериянгда менга пул бормикан? -- деди.

Суҳбатдан қолиб кетмаслик учун ҳисобхонага югуриб кириб-чиқдим. Сўнг қуйидаги ҳангомани эшитдим.

Устоз Арпапоядан чиқиб, «Олмазор» кўчасидан нашриёт томон келаётган экан, эшиги олдида дадасининг калишини кийиб олган, иштонсиз, бурнини тортиб, йиғлаб турган болакайни кўрибди.

-- Ҳой, мишиқи, ёмғирда нима қилиб иштонсиз турибсан? Шамоллаб қоласан, бор, уйингга кир! -- дебди унинг бошини силаб.

У ер остидан Ғафур Ғуломга бир қараб олиб:

-- Ғафур Ғулом бўлсанг ўзингга, йўлингдан қолма, — деб жавоб берибди...

Биз шошилардик, чунки тушки танаффус тугаётган эди. Унга сари устоз эринмай гап берарди...

Ғафур Ғулом ёшларнинг ҳақиқий меҳрибони эди. Уни Эркин Воҳиднинг никоҳ тўйига айтдик. Лекин тўй куни «Пахтакор»да футбол ўйини бор экан. Озод Шарафуддинов бошлиқ футбол мухлислари «Тўй эртага кўчирилсин, боролмаймиз», деб туриб олишди. Мен домлага қўнғироқ қилдим. «Эртага бўлса эртага-да. Мени келин келишига қараб олиб кетгин», деди. Аксига олиб футбол ҳам эртасига бўладиган бўлди...

Устознинг ҳар бир куни ҳақида достонлар, қиссалар битсак арзийди.

Биз эса, шоир қайта-қайта таъкидлаганидек, фурсатни ғанимат билиб, келажаги буюк мамлакат, мустақиллигини ўз қўлига олган, Ўзбекистон деб аталган қутлуғ Ватанимизни обод этмоққа, безамоққа, озодлигини мустаҳкамламоққа абадул-абад шай бўлмоғимиз даркор.

Ҳар йил баҳорда майса-гулларга ғарқ «Арпапоя» кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейига эрталабдан етиб келиб, кечгача устоз руҳи билан ҳамнафас яшаш одатимиз бор. Бу одат авлоддан-авлодга кўчиб ўтаверади. Унинг кўркам ва табаррук хонадони шеърият ихлосмандларига мангу макон бўлаверади...

**САЙЁР.**

• ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИДАН

## КЛИНТОННИНГ ҚИЗИ ЭРКАМИ?

Челси Клинтон Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири -- Стенфорд университетида таълим олмоқчи. Бу ерда «Американинг энг биринчи қизи»ни нималар кутаяпти?

17 ёшли Челси ҳамма талабалар қатори ҳашаматсиз ётоқхонанинг хоналаридан бирига (1,8 ва 5 метр саҳнли) жойлашади. Хона жиҳозлари кийим шкафи, ёзув столи ва иккита каравотдан иборат. Яъни у бу ерда 1-курс талабаларидан бири билан яшашига тўғри келади. Овқатланиш -- талабалар ошхонасида бўлади.

У, шунингдек, чиройли либосларини футболка, жинси ва красовкага алмаштириши керак. Яна бир муаммо. Челсининг эркатойи -- Сокс лақабли мушукчани нима қилиш керак? Челсининг оила аъзолари уни ҳам Калифорнияга жўнатишга тайёр. Чунки уларнинг мушукдан аллергиялари бор. Аммо ётоқхонада мушук асрашга рухсат беришармикан?

**А. ЛАЗАРЕВ.**



*Гулни жондан севган,*
*гулюраккинам,*
*Беғуборим менинг,*
*осмондил болам...*
*Сен-чун бу боғларга*
*гуллар экканман,*
*Гулу сен сингари*
*тозарсин олам.*

**А. ТЎРАЕВ**
**сурат-лавҳаси.**

## ДИЛДОРАГА «УМИД»

Урганчда фортепияно ижрочиларининг XIV республика кўрик-танлови ниҳоясига етди. Унда республикамиздаги барча санъат ўқув юртларининг умидли мусиқачилари қатнашдилар. Бир ҳафта давом этган уч босқичли баҳсларда Ўзбекистоннинг энг яхши ёш ижрочилари аниқланди. Жумладан, М. Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юрти талабаси Дилдора Боқиева мутлақ ғолиб деб топилди. Унга республика Маданият ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва соврини топширилди. Мазкур танловнинг «Умид» дипломи ҳам Дилдорага насиб этди.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭЗГУЛИК УЛАШГАН КУН

**Бобур номидаги халқаро жамғарма қошида ташкил этилган илмий экспедициянинг беш йиллиги улуғ шоир, давлат арбоби туғилиб ўсган Андижонда умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди.**

Жаҳонгашта бобуршунослар номини олган экспедиция аъзолари ўтган йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Покистон, Ҳиндистон сингари ўнлаб хорижий давлатларнинг сарҳадларини кезиб чиқишди. Улар босиб ўтган йўл 100 минг километрдан ортиб кетди. Бобуршунослар вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Андижоннинг энг сўлим, баҳаво масканларидан бири — Боғишамол дам олиш оромгоҳини «Боғи Бобур»га айлантирдилар. У ерда Бобур Мирзонинг рамзий қабр-мақбараси, мўъжаз ибодатхонаси қад ростлади.

Шодиёналарда иштирок этиш учун ташриф буюрган халқимизнинг суюкли адиблари Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Хайриддин Султонов ва бошқалар экспедиция аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар, саъй-ҳаракатлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Ҳиндистонлик бобуршунос олим Қамар Раис, олим Абдулҳамид Жузжоний, Саудия Арабистонидан келган бир гуруҳ ватандошларимиз рамзий қабрга гуллар, гулдасталар қўйдилар. Қуръон тиловат қилинди.

Ҳиндистонлик санъат усталари ва ижрочи ёшлар ҳамда Бобур ғазалларининг хушхон ижрочиси Маъмуржон Тўхтасинов, хонанда Турсунбой Парпиев қўшиқлари шодиёнага ўзгача файз бағишлади.

Экспедиция раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов йиғилганларга яна бир қувончли хушхабарни етказди: Қирғизистоннинг Ўшдаги Сулаймон тоғи устида Бобур Мирзонинг оқ уйи бўлгучи эди. Жамғарманинг қўшни республикада ҳам бўлими очилгач, оқ уй халқ ҳашари йўли билан бутунлай қайта таъмирланди.

Меҳмонлар вилоятнинг Бобур Мирзо назари тушган ва қадами еттан жойларда ҳам бўлдилар.

**Ш. ОДИЛЖОНОВ.**

• СПОРТ

## ОКСАНАНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛИ

**Спорт гимнастикаси мусобақаларига кейинги вақтда Европада қизиқиш ва эътибор янада ортди. Умуман олганда, спорт залларида ўтказиладиган мусобақалар орасида спорт гимнастикаси ҳар доим алоҳида ўрин тутиб келган.**

Европа қитъаси мутахассислари спорт гимнастикаси мусобақаларининг қизиқарлилигини ошириш мақсадида унга бир қатор янгиликлар олиб кириш ташаббускорлари бўлишмоқда. Хусусан, эндиликда спорт гимнастикаси мусобақалари мусиқа остида ўтказилаяпти. Жаҳоннинг йирик мусобақаларидан бири, яъни «Гран-При» туркумига кирувчи Италия халқаро турнирида ҳам мусиқали чиқишлар намойиш этилди. Ушбу мусобақада ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ҳам қатнашди. Оксана халқаро майдонда Олимпиада чемпиони ва «Беш қитъа юлдузлари» кубоги совриндори сифатида ном қозонган. Шу боисдан ҳам уни тез-тез турли йирик мусобақаларга таклиф этишади. Қолаверса, Оксана ҳар бир турнирга иложи борича ўзининг такрорланмас янги дастури, янги элементлар ижроси билан боради, ҳамюртимизнинг бу интилишлари халқаро майдонда ғоят қадрланади. Оксана Италия мусобақасида ҳам бир қатор янги элементларни муваффақиятли ижро этди ва бу унга кўпкураш бўйича халқаро турнирнинг бош мукофотини олиб келди. Вакилимиз алоҳида турлар бўйича ҳам совриндор бўлди. Хусусан, у эркин машқлар бўйича халқаро турнирнинг «кумуш», таяниб сакраш борасида «бронза» медалларини қўлга киритди. Оксана айни кунда Сидней Олимпиадасига спортчи сифатидами ёки мураббий сифатидами бориш масаласи ҳақида бош қотиряпти.

**Р. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚОРА БЕЛБОҒ СОҲИБИ

Ўзбекистон спортчилари собиқ Иттифоқ ҳудудида Шарқ яккакураши бўйича пешқадамлардан бири эканлиги маълум. Хусусан, навоийлик Ҳасан Назаров яқинда Новокузнецк шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди. Мусобақага япон каратэчилари -- Шихон Ииоши Казуо (6-дан соҳиби) ва Семнай Нимхо Сатоши (2-дан соҳиби) раҳбарлик қилди. Мусобақада Ҳасан Назаров синовлардан муваффақиятли ўтди. У ўн беллашувдан еттитасида ғалабага эришди. Япон мутахассислари унга қора белбоғ (1-дан) топширди. Юртдошимизнинг ушбу мусобақаларда қатнашиш ва тайёргарлик кўришига Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳомийлик қилди. Эндиликда Ҳасан Назаров Япония сафарига ҳозирлик кўрмоқда. У 22 июнда Токиода ўтадиган жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этади.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Фарғонада ўтказилган республика мактаб ўқувчилари спартакиадаси дастуридаги камондан отиш мусобақаларида бухороликларга тенг келадиганлар топилмади. Улар турнир олдидан ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланган пойтахтлик ва фарғоналикларни доғда қолдириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Қолаверса, шахсий биринчиликда 21-мактаб ўқувчиси Руслан Ҳожиев энг юқори натижа кўрсатиб, спорт устаси талабини бажарди.

Шунингдек, спортнинг бу турига эътибор Бухоро тиббиёт билим юртида яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлди. Турнирда билим юрти талабалари Умида Авезова, Ситора Аминова ва Шаҳноза Тўраевалар нишонни мўлжалга олишда тенгдошларига нисбатан маҳоратли эканликларини намойиш этдилар.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






«Тиклаш» қўшма корхонаси жамоаси «Ўзалтайдизельсервиз» қўшма корхонаси бош директори, ёпиқ турдаги «Саноат» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

**Ғафур ҲАМРОЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Агрегатсервиз» қўшма корхонаси жамоаси «Ўзалтайдизельсервиз» қўшма корхонаси бош директори, ёпиқ турдаги «Саноат» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

**Ғафур ҲАМРОЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0377, 46.094 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Абдураҳмонов.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6